



ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аймуратов Берик Карлыбаевич

Жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман суди судьяси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12590487>

ARTICLE INFO

Received: 17th June 2024

Accepted: 18th June 2024

Published: 29th June 2024

KEYWORDS

жазо, енгиллаштирувчи ҳолатлар,
жиноят, ҳуқуқ, суд.

ABSTRACT

*Ушбу мақолада жазо тайинлашда
жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг
хусусиятлари ҳақида сўз боради.*

Жазо тайинлаш Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Тайинланган жазонинг қанчалик қонуний ва адолатли бўлиши фақат жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг тақдиригагина эмас, балки, жиноят қонунчилиги билан олдинга қўйилган мақсадга эришилганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу институт доирасидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга бежизга алоҳида эътибор қаратилмаган, чунки жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тўғри инobatга олиниши айбланувчига тайинланадиган жазонинг сезиларли даражада енгиллаштирилишига олиб келиши мумкин.

Жазо чоралари жиноятчиликка қарши курашда, жамиятни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жазо тайинлаш ижтимоий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий тарафдан ҳимоя қилишнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади [1]. Чунки суд жазо тайинлаш орқали содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларни қонунга хилоф тажовузлардан муҳофаза қилади ҳамда шу орқали ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос тартиби ва шартлари мавжуд. Амалдаги Жиноят кодексининг

XI боби “Жазо тайинлаш” масалаларига бағишланган бўлиб, унда жазо тайинлашнинг умумий асослари, жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар, хусусан, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, енгилроқ жазо тайинлаш масалалари, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш қоидалари ҳамда бошқа шунга ўхшаш нормалар белгиланган.

Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган бўлиб, суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлаш вақтида амал қилиши лозим бўлган умумий мезонлар мустаҳкамланган.

Суд жазо тайинлаш вақтида юқоридаги моддада белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, агарда ушбу асослар мавжуд бўлса, уларни ҳисобга олиш масаласига алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларини тартибга солувчи Жиноят кодексининг 54-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлса, қонун ҳар бир ҳолатда судни жазо тайинлаш учун йўналтириши керак бўлган аниқ талабларни белгилайди. Бироқ, амалдаги жиноят қонунида жазо тайинлашнинг умумий асослари таърифи мавжуд эмас. Шунга кўра, жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур масала юзасидан турли хил фикрлар илгари сурилади.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида ҳам белгилаб қўйилган. Баъзи бир муаллифлар жазо тайинлашда ҳисобга олинмаган ҳолатларнинг ҳар бирига жазо тайинлаш умумий асосларининг мустақил элементи сифатида қарайдилар [2].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 55-моддасига кўра қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

- а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;
- б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;
- в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;
- г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;
- д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;
- е) зарурий муҳофаазининг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;
- ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;
- з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;
- и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат Жиноят Кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди [3].

Жиноят кодексининг 55-моддаси суд томонидан жазони белгилашда уни индивидуаллаштириш мақсадида ҳисобга олиниши зарур бўлган шарт-шароитлар тизимини аниқлаб, мустаҳкамлайди. Мазкур тизимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, унинг таркибий қисмлари бўлган омиллар реал ҳаётда кўпроқ учрайдиган турлари ва турли-туман жиноятлар содир қилиш учун типик бўлган ҳолатлар аниқланган бўлса, иккинчи томондан уни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг жамоатчилик учун хавфлиги даражасини жиддий равишда камайтиради. Шу туфайли, ЖКнинг 55-моддасида кўзда тутилган шарт-шароитларнинг мавжудлиги бундай шароит бўлмаган ҳолда содир этилган жиноят учун қўллаш ҳолларига

нисбатан Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддаси санкциялари доирасида энгилроқ жазо чораси белгиланишини талаб этади.

Жиноят кодексининг 55-моддасини таҳлил қилганимизда судлар томонидан жазо тайинлашда инobatга оладиган жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг иккита гуруҳини кўришимиз мумкин, яъни қонунда назарда тутилган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар (ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми) ва қонунда назарда тутилмаган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар. Қонунда назарда тутилган ва назарда тутилмаган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар бир-биридан уларни жазо тайинлашда инobatга олиниши ёки олинмаслиги суд ихтиёрида бўлиши билан фарқланади. Бир томондан, ЖКнинг

55-моддасининг 1-қисмида келтирилган энгиллаштирувчи ҳолатлар бўлганида суд уларни ҳукмда қайд этиши ва жазо тайинлашда инobatга олиши шарт, қонунда назарда тутилмаган энгиллаштирувчи ҳолатлар бўлганида эса суд уларни жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инobatга олиш ёки олмаслик ҳуқуқига эга.

Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг навбатдаги амалий аҳамияти шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда намоён бўлиши.

Мисол учун, ЖКнинг 66-моддасига (айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш) асосан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Амалда пушаймон бўлиш деганда айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятнинг очилишида ва уни содир этган шахсларни топишда ёрдам берган ва етказилган зарарни қоплаган шахснинг фаол ҳаракати тушунилади [4].

Бу вазиятда айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф етган шахснинг мазкур ҳаракатлари энгиллаштирувчи ҳолатларнинг бир кўриниши сифатида шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод этишга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишда (Жиноят кодексининг 66¹-моддаси) ҳам шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши ҳамда етказилган зарарни бартараф этиши ҳолатлари ҳам жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, шахсни жавобгарликдан озод қилиш асосларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлашда суд томонидан қўлланилиши керак бўлган қонунда белгиланган мезонлар бўлиб, суд айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинладиган жазонинг тури ва миқдорини белгилайди.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан жазо тайинлаш принциплари кенгроқ тушунчадир, чунки жазо тайинлаш принциплари судларнинг барча фаолиятига тааллуқли. Жазо тайинлашнинг умумий асослари эса муайян жиноят иши бўйича айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимида жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга ҳамда мазкур ҳолатлар ҳам жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимининг мустақил элементи ҳисобланади.

Шундай қилиб, жазо тайинлашда жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш адолатли жазо тайинлаш мезонларидан бири бўлиб қолмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, жазони индивидуаллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Умумий қисм // – Т.: “Адолат”, 2016. – 387 б.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/1455976>)
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Адолат, 2022. 33-34 б
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълим. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: “ILMZYU”, 2011. – 161 б.

